

Нафл рўза тутувчи ўзига ўзи амир



17:19 / 21.06.2017 5467

1342. Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Макка фатҳи куни Фотима келиб, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чап томонларига, Умму Ҳониъ ўнг томонларига ўтирди. Чўри қиз бир идишда ичимлик келтириб, у зотга тутди. Бас, у зот ундан ичдилар. Сўнгра Умму Ҳониъга тутдилар. У ҳам ундан ичди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, оғзимни очиб юбордим, рўзадор эдим», деди.

«Бирор нарсанинг қазосини тутаётган эдингми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Агар нафл бўлса, сенга зарар қилмайди», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Нафл рўза тутувчи ўз нафсининг амини ёки амиридир. Хоҳласа, тутуди, хоҳласа, очиб юборади», дедилар», дейилган.

«Сунан» эгалари ва Имом Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг қизи бўладилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Маҳрам эркак, аёл қариндошлар бир жойда ўтиришлари мумкинлиги.
2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида чўри қиз хизмат қилганлиги.
3. Ичимлик берилганда улуғлардан бошлаш кераклиги.
4. Шаробни ичиб бўлгандан кейин ўнг томондаги кишига узатиш кераклиги.
5. Кўнгилли равишда рўза тутган одам ўзи хоҳлаган вақтида рўзасини очиб юборса бўлавериши.
6. Қазо рўза тутган киши рўзасини очмаслиги кераклиги.
7. Кўнгилли равишда рўза тутган одам ўз нафсига ўзи амир эканлиги.

1343. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Менга ва Ҳафсага таом ҳадя қилинди. Икковимиз рўзадор эдик. Бас, оғзимизни очиб юбордик. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар ва биз у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳадя қилинган эди. Иштаҳамиз келиб, оғзимизни очиб юбордик», дедик.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга ҳеч нарса бўлмади. Унинг ўрнига бошқа куни рўза тутиб қўйинглар», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда ҳам олдинги ҳадислардаги маънолар таъкидланмоқда.

Янги маълумот эса кўнгилли равишда тутилган рўзани очиб юборгандан кейин ўрнига бошқа бир кун рўза тутиб бериш кераклигидир.

РЎЗАДОР ДАЪВАТГА ИЖОБАТ ҚИЛАДИ

1344. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз таомга даъват қилинса-ю, у рўзадор бўлса, мен рўзадорман, деб айтсин», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Бирортангиз даъват қилинса, ижобат этсин. Бас, агар оғзи очиқ бўлса, таомлансин. Агар рўзадор бўлса, (унинг ҳаққига) дуо қилсин», дейилган.

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда нафл рўза ҳақида гап кетаётганини олдиндан айтиб қўйганимиз маъқул.

Бу ҳадиси шарифга биноан, бир киши рўзадор инсонни таомга – маросимга даъват (таклиф) қилса, «Мен рўзадорман», деб узр айтиши керак.

Даъват қилувчи унинг ҳолини тушуниб, узрини қабул қилса, айтилган жойга бормади. Агар даъватчи вазиятни тушунмай, боришни талаб қилиб, туриб олса, узрини қабул қилмаса, боради. Агар рўза нафл бўлмаса, қазо ёки назр бўлса, у ерда бошқалар таом еяётган пайтда мезбоннинг ҳаққига дуо қилиб ўтиради. Агар рўзаси нафл бўлса ва мезбон унинг қўйилган таомни ейишидан хурсанд бўладиган бўлса, егани маъқул.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(«Ҳадис ва Ҳадис» китобидан)